

Рўзага қандай ният қилинади?



14:30 / 22.04.2022 4610

Савол: Рўзанинг таърифида «ният билан» дейилган. Ният нима? Рўзага қандай ният қилинади?

Жавоб: Ният – «Аллоҳ учун фалон рўзани тутишга ният қилдим» деб, муайян бир рўзани тутишни қалбга тугишдир. Рўза бир неча турли бўлади:

1. Фарз рўза: Рамазон ойининг рўзаси.
2. Белгиланган назр рўза.
3. Белгиланмаган назр рўза.
4. Рамазоннинг қазо рўзаси.
5. Бузиб қўйилган нафл рўзанинг қазоси.
6. Каффорат рўзаси
7. Нафл рўзалар.

Рамазон рўзаси, белгиланган назр рўза ва нафл рўзани бир кун олдин кечқурун ният қилиш мумкин, лекин ётаётган пайтда ният қилиш шарт эмас. Ният қилиб ётмаган бўлса, уйғонганида тонг отган бўлса, куннинг

ярмидан олдин ният қилиб олиш мумкин. Рамазоннинг қазоси, белгиланмаган назр рўза, каффоратлар ва нафлнинг қазо рўзасини кечқурун ният қилиш шарт.

«Ҳилол» журналининг 3(36)сонидан